


# 2025

ДУНЁ БЎЙЛАБ  
ПРЕЗИДЕНТЛИК ВА ПАРЛАМЕНТ

## САЙЛОВЛАРИ





**2025 йилда дунё бўйлаб президентлик ва вакиллик органларига ўтказиладиган сайловлар ҳамда референдумлар**


№	Давлат номи	Сайлов ўтказиладиган муддат	Сайлов ўтказиладиган вакиллик органи
<b>ОСИЁ ҚИТЪАСИ</b>			
1.	 Тожикистон	2 март	парламент (қўйи палата – Мажлиси намояндагон)
		28 март	парламент (юқори палата – Мажлиси милли)
2.	 Филиппин	12 май	парламент
3.	 Япония	июль	парламент
4.	 Сингапур	23 ноябргача	парламент
5.	 Жанубий Корея	номаълум	президент
6.	 Бангладеш	номаълум	парламент
7.	 Ироқ	номаълум	парламент
<b>ЕВРОПА ҚИТЪАСИ</b>			
8.	 Хорватия	12 январь	президент
9.	 Беларусь	26 январь	президент
10.	 Ирландия	29-30 январь	парламент (Сенат)
11.	 Косово	9 февраль	парламент
12.	 Лихтенштейн	9 февраль	парламент

№	Давлат номи	Сайлов ўтказиладиган мuddат	Сайлов ўтказиладиган вакиллик органи
13.	 Абхазия	15 февраль	президент
14.	 Германия	23 февраль	парламент
15.	 Греция	февраль	президент
16.	 Руминия	23 март	президент
17.	 Албания	11 май	парламент
18.	 Польша	18 май	президент
19.	 Молдова	11 июлгача	парламент
20.	 Норвегия	8 сентябрь	парламент
21.	 Ирландия	27 октябргача	президент
22.	 Чехия	октябрь	парламент
23.	 Гренландия	6 апрелгача	парламент
<b>АМЕРИКА ҚИТЪАСИ</b>			
24.	 Теркс ва Кайкос ороллари	7 февраль	парламент
25.	 Эквадор	9 февраль	президент ва парламент
26.	 Бермуд ороллари	18 февраль	парламент
27.	 Кюрасао	19 март	парламент

№	Давлат номи	Сайлов ўтказиладиган муддат	Сайлов ўтказиладиган вакиллик органи
28.	 Кайман ороллари	30 апрель	парламент
29.	 Суринам	25 май	парламент
30.	 Боливия	17 август	президент ва парламент
31.	 Канада	20 октябргача	парламент
32.	 Аргентина	26 октябрь	парламент
33.	 Чили	16 ноябрь	президент ва парламент
34.	 Гондурас	24 ноябргача	парламент
35.	 Ямайка	ноябрь	парламент
36.	 Сент-Винсент ва Гренадин ороллари	ноябрь	парламент
37.	 Тринидад ва Тобаго	ноябрь	парламент
38.	 Гайана	декабрь	президент ва парламент
39.	 Белиз	номаълум	парламент
40.	 Венесуэла	номаълум	парламент
<b>АФРИКА ҚИТЪАСИ</b>			
41.	 Комор ороллари	12 январь	парламент
42.	 Бурунди	5 июнь	парламент

№	Давлат номи	Сайлов ўтказиладиган муддат	Сайлов ўтказиладиган вакиллик органи
43.	 Малави	16 сентябрь	президент ва парламент
44.	 Габон	август	президент ва парламент
45.	 Сейшел ороллари	27 сентябрь	президент ва парламент
46.	 Сомали	сентябрь	президент ва парламент
47.	 Камерун	5 октябрь	президент
48.	 Кот-д'Ивуар	октябрь	президент
49.	 Танзания	октябрь	президент ва парламент
50.	 Марказий Африка Республикаси	декабрь	президент ва парламент
51.	 Камерун	номаълум	парламент
52.	 Миср	номаълум	парламент
53.	 Того	номаълум	президент
<b>ОКЕАНИЯ</b>			
54.	 Вануату	16 январь	парламент
55.	 Микронезия Федератив Штатлари	4 март	парламент
56.	 Австралия	17 майгача	парламент

№	Давлат номи	Сайлов ўтказиладиган муддат	Сайлов ўтказиладиган вакиллик органи
57.	 Науру	Сентябрь	парламент
58.	 Тонга	30 ноябреча	парламент



### Парламент сайлови

-  Комор ороллари – 12 январь
-  Вануату – 16 январь
-  Ирландия – 29-30 январь
-  Теркс ва Кайкос орол. – 7 февраль
-  Косово – 9 февраль
-  Лихтенштейн – 9 февраль
-  Бермуд ороллари – 18 февраль
-  Германия – 23 февраль
-  Тожикистон – 2 март
-  Микронезия федератив – 4 март
-  Кюрасао – 19 март
-  Тожикистон – 28 март

-  Гренландия – 6 апрелгача
-  Кайман ороллари – 30 апрель
-  Албания – 11 май
-  Филиппин – 12 май
-  Австралия – 17 майгача
-  Суринам – 25 май
-  Бурунди – 5 июнь
-  Молдова – 11 июлгача
-  Япония – июль
-  Норвегия – 8 сентябрь
-  Науру – сентябрь
-  Канада – 20 октябргача
-  Аргентина – 26 октябрь

-  Чехия – октябрь
-  Сингапур – 23 ноябргача
-  Гондурас – 24 ноябргача
-  Тонга – 30 ноябргача
-  Ямайка – ноябрь
-  Тринидад ва Тобаго – ноябрь
-  Сент-Винсент ороллари – ноябрь
-  Белиз – номаълум
-  Венесуэла – номаълум
-  Миср – номаълум
-  Бангладеш – Номаълум
-  Ироқ – Номаълум

### Президент сайлови

-  Хорватия – 12 январь
-  Беларусь – 26 январь
-  Абхазия – 15 февраль
-  Греция – февраль
-  Руминия – 23 март
-  Польша – 18 май
-  Ирландия – 27 октябргача
-  Камерун – 5 октябрь
-  Кот-д'Ивуар – октябрь
-  Того – номаълум
-  Жанубий Корея – номаълум

### Парламент ва Президент

-  Эквадор – 9 февраль
-  Боливия – 17 август
-  Габон – август
-  Малави – 16 сентябрь
-  Сейшел ороллари – 27 сентябрь
-  Сомали – сентябрь
-  Танзания – октябрь
-  Чили – 16 ноябрь
-  Гайана – декабрь
-  Марказий Африка Респ. – декабрь
-  Камерун – номаълум

## 2025 йилда дунё бўйлаб президентлик ва вакиллик органларига ўтказиладиган сайлов ва референдумлар харитаси

### I. ОСИЁ ҚИТЪАСИ



#### 1. Тожикистон

**Сайлов куни:** 2 март.

**Сайлов ўтказиладиган вакиллик органи:** парламент қўйи палатаси (Мажлиси намояндагон).

**Сайлов тизими:** 63 нафар Олий Мажлис депутати икки хил усулда:

**41 нафар** депутат бир мандатли сайлов округларда икки турли тизим асосида;

**22 нафари** эса ягона умуммиллий сайлов округида 5 фоизлик овоз тўсиғи асосида пропорционал тизим бўйича сайланади.

Сайловчилар бир мандатли сайлов округидаги номзод учун бир марта овоз берадилар, пропорционал ўринларни аниқлаш учун эса барча округларда жами овозлар сони ҳисобга олинади. Ҳар бир сайлов округида овоз беришда қатнашиш кўрсаткичи 50 % дан кам бўлмаслиги керак, акс ҳолда сайлов ҳақиқий деб тан олинмайди.



#### 2. Филиппин

**Сайлов куни:** 12 май.

**Сайлов ўтказиладиган вакиллик органи:** парламент.

**Сайлов тизими:** Филиппинда парламентнинг қўйи палатасига сайловларда параллел овоз бериш тизими қўлланилади.

Вакиллар палатасида 317 ўрин мавжуд бўлиб, улардан 254 нафари округ вакиллари, 63 нафари эса партия рўйхатлари вакиллари дир.

Филиппин қонунчилигига мувофиқ, ҳар тўртта округ вакилига битта партия рўйхати вакили тўғри келиши лозим.

Округ вакиллари бир мандатли округларда мажоритар тизим асосида сайланади. Партия рўйхатлари вакиллари эса 2 % тўсиқли умуммиллий овоз бериш орқали сайланади, шу билан бирга, бир партия учтадан ортиқ ўрин ололмайди. Энг кўп овоз олган партия одатда учта ўрин олади, кейинги 2 % дан кўп овоз тўплаган партиялар иккитадан ўрин олади. Агар партия рўйхатлари бўйича барча ўринлар тўлдирилмаса, 2 % дан кам овоз тўплаган партиялар ҳар бири биттадан ўрин олади ва шу йўл билан барча ўринлар тўлдирилади.

2 % тўсиқ ва учта ўрин чекловига эга сайлов тизими овозларнинг бўлинишига олиб келади ва партияларни ўз манфаатларини ифода этиш учун алоҳида партия рўйхатларини шакллантиришга ундайди. Партия рўйхатлари бўйича сайловда иштирок этаётган сиёсий партиялар округ сайловларида қатнашиш ҳуқуқига эга эмас. Округ сайловларида иштирок этаётган партиялар ва партия рўйхатлари бир-бири билан коалиция келишувлари тузишлари мумкин.



### 3. Япония

**Сайлов куни:** июль (расман эълон қилинмаган).

**Сайлов ўтказиладиган вакиллик органи:** парламент юқори палатаси.

**Сайлов тизими:** Маслаҳатчилар палатаси (Сенат) 248 нафар аъзодан иборат бўлиб, ҳар бири олти йиллик муддатга сайланади. Бу муддат Вакиллар палатаси аъзоларининг муддатидан икки йилга узунроқдир.

Маслаҳатчилар камида 30 ёшда бўлиши керак.

Маслаҳатчилар палатаси тарқатиб юборилмайди. Унинг аъзолари муддати босқичма-босқич тугайди, шу боис ҳар уч йилда фақат ярми қайта сайланади. Ҳар сафар 124 нафар аъзо сайланади, шулардан 74 нафари 45 та округда ягона ўтказиб бўлмайдиган овоз бериш тизими орқали, 50 нафари эса умуммиллий очиқ рўйхатли пропорционал вакиллик тизими асосида сайланади.



#### 4. Сингапур

**Сайлов куни:** 23 ноябреча (расман эълон қилинмаган).

**Сайлов ўтказиладиган вакиллик органи:** парламент.

**Сайлов тизими:** Сингапур Конституциясининг 65(4)-моддасига кўра, парламент ваколатининг максимал муддати унинг биринчи йиғилиши кунидан бошлаб беш йилни ташкил қилади, шундан сўнг у қонунга биноан автоматик равишда тарқатилади. Бироқ, Бош вазир (парламент аъзоларининг кўпчилигининг ишончи остида) беш йиллик муддат давомида исталган вақтда Президентга мурожаат қилиб, парламентни муддатидан олдин тарқатишни сўраш ҳуқуқига эга. Парламент тарқатилгандан кейин уч ой ичида умумхалқ сайловлари ўтказилиши керак.

Сайлов округлари бир мандатли округлар ва гуруҳли вакиллик округларидан иборат. Бир мандатли сайлов округида бир нафар парламент аъзоси мажоритар овоз бериш тизими асосида сайланади. Гуруҳли вакиллик сайлов округида эса тўрт ёки беш нафар парламент аъзоси партиявий блоклар орқали сайланади. Уларнинг камида биттаси малай, ҳинд ёки бошқа озчилик жамоаси вакили бўлиши керак. Гуруҳли вакиллик округида иштирок этишни режалаштираётган номзодлар гуруҳи бир сиёсий партия аъзоси ёки мустақил номзодлар гуруҳи бўлиши мумкин.

Сингапурда овоз бериш ёши 21 ёшдан бошланади. Сайловлар Бош вазир девонига қарашли Сайлов департаменти томонидан ўтказилади.



## 5. Жанубий Корея

**Сайлов куни:** *номаълум (расман эълон қилинмаган).*

**Сайлов ўтказиладиган вакиллик органи:** президент.

**Сайлов тизими:** Корея Республикасидаги навбатдаги президентлик сайловлари дастлаб 2027 йилга режалаштирилган эди. Аммо, 2024 йил 14 декабрда Президент Юн Сок Ёлга нисбатан импичмент эълон қилинганидан сўнг, 2025 йилда муддатидан олдин сайловлар ўтказилиши эҳтимоли юзага келди.

Корея Республикаси Конституциясига кўра, агар Президент Юн Сок Ёл ўз лавозимидан истеъфо берса ёки Конституцион суд томонидан лавозимидан четлаштирилса, 60 кун ичида муддатидан олдин президентлик сайловлари ўтказилиши керак. Навбатдаги президентлик сайловлари мамлакатнинг демократлашуви ва Олтинчи республика яратилишидан буён ўтказиладиган тўққизинчи сайлов бўлади.

Мамлакат Конституциясига мувофиқ, Президент фақат бир маротаба беш йиллик муддатга нисбий кўпчилик тизими асосида бир турда сайланади. Амалдаги ва собиқ Президентлар қайта сайланиш ҳуқуқига эга эмас.



## 6. Бангладеш

**Сайлов куни:** *номаълум (расман эълон қилинмаган).*

**Сайлов ўтказиладиган вакиллик органи:** парламент.

**Сайлов тизими:** 2024 йил август ойида талабалар кўзғолони натижасида Шайх Ҳасина ҳукуматининг афдарилиши ортидан Бангладешда умумхалқ сайловлари ўтказилиши кутилмоқда.

Джатија Сангсад (парламент)нинг 350 нафар аъзоси 300 та ўринни бир мандатли сайлов округларида мажоритар тизим орқали тўғридан-тўғри овоз бериш йўли билан сайланади. Яна 50 та ўрин аёллар учун захира қилинган. Захира қилинган ўринлар сайланган аъзолар ҳисобига пропорционал тақсимланади. Ҳар бир парламент аъзоси беш йиллик фаолият юритади.



## 7. Ироқ

**Сайлов куни:** номаълум (расман эълон қилинмаган).

**Сайлов ўтказиладиган вакиллик органи:** парламент.

**Сайлов тизими:** 2018 йилги парламент сайловларидан сўнг, 2019-2021 йиллардаги намоёишлар ортидан сайлов тизими ўзгартирилди. Илгари парламент сайловлари пропорционал вакиллик тизими бўйича ўтказилар, ўринлар Вебстер/Сент-Лагю усули билан муҳофазалар (вилоятлар) сайлов округи сифатида ҳисобланиб тақсимланарди.

2021 йилги парламент сайловлари 83 та кўп мандатли сайлов округида ягона ўтказиладиган овоз бериш тизими асосида ўтказилди. Ҳар бир муҳофаза бўйича сайлов округларининг тақсимооти, аҳолиси сонига қараб, аёллар учун ажратилган квотали ўринлар сонини уч ёки бешга кўпайтириш асосида амалга оширилди.

Сайлов округларидаги барча ўринларнинг тўртдан бири аёллар учун захираланган, қолган тўққиз ўрин эса озчилик гуруҳлари, жумладан, бешта ўрин насронийлар, биттадан эса езидлар, шабаклар, мандайлар ва курд-фейлилар учун ажратилган.

## II. ЕВРОПА ҚИТЪАСИ



### 8. Хорватия

**Сайлов куни:** 12 январь (*иккинчи тур*).

**Сайлов ўтказиладиган вакиллик органи:** президент.

**Сайлов тизими:** Президентлик сайловлари биринчи тури 2024 йил 29 декабрь куни бўлиб ўтган, унда ҳеч қайси номзод кўпчилик овоз ололмаганлиги сабабли иккинчи тур 2025 йил 12 январь кунига белгиланган.

Хорватияда Президент тўғридан-тўғри яширин овоз бериш йўли билан беш йил муддатга сайланади ва президентлик икки муддат билан чегараланган. Конституция талабига кўра, президентлик сайловлари амалдаги Президентнинг муддати тугашидан камида 60 кун олдин ва кўпи билан 30 кун олдин ўтказилиши лозим.

Биринчи турда ғалаба қозониш учун барча берилган овозларнинг мутлақ кўпчилигини (50 % + 1 овоз) қўлга киритиш керак. Агар ҳеч қайси номзод кўпчилик овозини ололмаса, ўн тўрт кун ичида иккинчи тур ўтказилади. Унда биринчи турда энг кўп овоз тўплаган икки номзод қатнашади.

Иккинчи турда энг кўп овоз тўплаган номзод (ҳақиқий берилган овозларнинг кўпчилиги) ғолиб деб эълон қилинади. Агар иккинчи турга ўтган номзодлардан бири ўз номзодлигини қайтариб олса ёки вафот этса, унинг ўрнини биринчи турда кейинги кўп овоз тўплаган номзод эгаллайди.

Сайловларда иштирок этиш ва номини бюллетенга киритиш учун эҳтимолий номзод 10 000 дан кам бўлмаган овоз бериш ҳуқуқига эга сайловчиларнинг имзосини йиғиши керак, шунингдек, ҳар бир сайловчи фақат биргина эҳтимолий номзод учун имзо қўйиши мумкин.



## 9. Греция

**Сайлов муддати:** 25 январь – 12 февраль.

**Сайлов ўтказиладиган вакиллик органи:** президент.

**Сайлов тизими:** Греция Конституциясининг 32-моддасига мувофиқ, Президент махсус сессияда парламент томонидан беш йиллик муддатга сайланади. Сайлов амалдаги Президент ваколатлари тугашидан камида бир ой олдин ўтказилади. Биринчи ва иккинчи турларда 300 нафар депутатдан 200 нафарининг мутлоқ кўпчилик овози талаб этилади, учинчи турда эса 180 та овоз керак бўлади.

2019 йил ноябрь ойида Конституцияга ўзгартишлар киритилиб, 32-модданинг 4-банди қайта таҳрир қилинди. Янги таҳрирга кўра, агар учта овоз беришдан кейин ҳам Президент сайланмаса, тўртинчи турдаги барьер 151 овозга туширилади. Бешинчи ва сўнгги овоз беришда эса энг кўп овоз олган икки номзод ўртасида нисбий кўпчилик асосида ғолиб аниқланади. Бу ўзгартириш 6-овоз бериш жараёнини бекор қилди.



## 10. Беларусь

**Сайлов муддати:** 26 январь.

**Сайлов ўтказиладиган вакиллик органи:** президент.

**Сайлов тизими:** Беларусь Конституциясининг 64-моддасига кўра, президентлик сайловларида овоз бериш ҳуқуқига 18 ёшга тўлган ва озодликдан маҳрум этиш жойларида ёки мажбурий даволаш муассасаларида бўлмаган Беларусь фуқаролари эга.

Сайловлар агар овоз беришда сайловчилар рўйхатига киритилган Беларусь Республикаси фуқароларининг ярмидан кўпи иштирок этган бўлса амалга ошган деб ҳисобланади.

Номзодга сайловда овоз беришда қатнашган фуқароларнинг ярмидан кўпи овоз берган бўлса Президент сайланган деб ҳисобланади.

Агар ҳеч қайси номзод зарур овозларни ололмаса, икки ҳафта муддат ичида энг кўп овоз олган икки номзод ўртасида такрорий овоз бериш ўтказилади. Такрорий овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг ярмидан кўп овозини олган номзод Президент этиб сайланган деб ҳисобланади.

2022 йилги референдумдан сўнг қўшилган ўзгартишларга кўра, президентликка номзод этиб фақат туғилганидан Беларусь фуқароси бўлган, камида 40 ёшга тўлган, сайлов ҳуқуқига эга ва сайловга қадар Беларусь ҳудудида камида 20 йил доимий яшаган шахс кўрсатилади (олдинги талабларга кўра, ёши камида 35 бўлиб, охириги 10 йилда республикада яшаган бўлиши талаб этилар эди).

Шунингдек, номзод хорижий давлат фуқаролиги ёки яшаш учун рухсатномага эга бўлмаган ва бу каби имтиёзларни тақдим этувчи ҳужжатларга эга эмас ҳамда эга бўлмаган бўлиши керак.



## 11. Косово

**Сайлов муддати:** 9 февраль.

**Сайлов ўтказиладиган вакиллик органи:** парламент.

**Сайлов тизими:** 120 нафар аъзодан иборат Парламент аъзолари очиқ рўйхат асосида пропорционал вакиллик тизими орқали тўрт йиллик муддатга сайланади. Шунингдек, 20 нафар ўрин миллий озчиликларга захира қилинган. Ўринлар Сент-Лагуе усули бўйича тақсимланади. Сайлов барьерини ўтиш учун 5 % овоз олиш талаб қилинади.

2025 йилги сайловларда қатнашиш учун рўйхатдан ўтиш ва номзодлар рўйхатини тақдим этишни истаган сиёсий партиялар учун аризалар топшириш даври 2024 йил 1 сентябрдан 11 декабргача давом этган.

Жами 28 та сиёсий ташкилот, шу жумладан 20 та сиёсий партия, бешта коалиция, иккита фуқаролик ташаббуси ва бир нафар мустақил номзод ариза топширган.



## 12. Лихтенштейн

**Сайлов муддати:** 9 февраль.

**Сайлов ўтказиладиган вакиллик органи:** парламент.

**Сайлов тизими:** Ландтагнинг 25 нафар аъзоси очик рўйхат асосида пропорционал вакиллик тизими орқали иккита сайлов округидан сайланади.

Бунда Оберланд округидан 15 нафар ва Унтерланд округидан 10 нафар вакил сайланади. Сайловчилар партиявий рўйхат учун овоз беради, сўнгра улар ўз устувор овозини бермоқчи бўлмаган номзодларни рўйхатдан чиқариб ташлаши ёки бошқа рўйхатлардан номзодларни қўшиши мумкин.

Ўрин олиш учун овоз баръери 8 % ни ташкил қилади. Ландтаг аъзолари тўрт йил муддатга сайланади.

Ландтаг шаклангандан кейин унинг аъзолари Бош вазирни сайлайди. Бош вазир тўрт нафар вазирдан иборат Вазирлар Маҳкамаси орқали бошқарувни амалга оширади, вазирлар Ландтаг аъзолари орасидан танланади.

Қонун бўйича овоз бериш мажбурийдир ва кўпчилик овозлар почта орқали берилади. Сайлов участкалари сайлов куни 1,5 соатга очик бўлади. 18 ёшдан катта ва сайлов кунидан бир ой олдин мамлакатда яшаб келган фуқаролар овоз бериш ҳуқуқига эга.

2024 йил 25 февраль куни Лихтенштейн сайловчилари референдумда ҳукумат аъзоларини тўғридан-тўғри овоз бериш орқали сайлаш керакми, деган саволга жавоб бердилар. Агар бу таклиф қабул қилинганида, у 2025 йилги умумий сайловларга таъсир кўрсатган бўлар эди. Бироқ, ушбу таклиф сайловчилар томонидан рад этилган.



### 13. Абхазия

**Сайлов муддати:** 15 февраль.

**Сайлов ўтказиладиган вакиллик органи:** президент (муддатидан олдин).

**Сайлов тизими:** 2024 йил ноябрь ойида Абхазия Президенти Аслан Бжания бой россияликларга Абхазияда кўчмас мулк сотиб олиш ҳуқуқини берувчи келишувга қарши норозилик намойишлари сабабли истеъфога чиққан. Унинг ўрнига вақтинчалик президентлик лавозимини унинг Вице-президенти Бадра Гунба эгаллаган.

2024 йил 28 ноябрь куни Абхазия Халқ мажлиси янги президентлик сайловлари 2025 йил 15 февраль куни ўтказилиши ҳақида қарор қабул қилган. Ғолиб сайлов натижалари эълон қилинганидан кейинги 30 кун ичида инаугурация қилинади. Мажлис спикери Лаша Ашуба сайлов харажатлари 25 млн рубль (227 300 АҚШ доллари) бўлишини ҳисоблаб чиққан.

Абхазия Республикаси Президенти умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан фуқаролар томонидан сайланади.

Президент лавозимига номзодларга Абхазия Республикаси фуқароси бўлиш, абхаз миллатидан бўлиш, давлат тилини эркин эгаллаган бўлиши, 35 ёшдан кичик ва 65 ёшдан катта бўлмаслик, сайлов ҳуқуқига эга бўлишлик, сайлов кунидан олдинги 5 йил давомида Абхазия ҳудудида доимий яшаган бўлишлиги каби талаблар қўйилган.

Президент 5 йил муддатга сайланади. Бир шахс кетма-кет икки муддатдан ортиқ Президент бўла олмайди.

Президент бўлиб сайланиш учун номзод овоз беришда қатнашган сайловчиларнинг ярмидан кўп овозини олиши керак. Агар овоз беришда сайловчиларнинг ярмидан ками қатнашса ёки бюллетенда фақат бир номзод бўлса ва у номзод сайловдан чиқса, сайлов ўтказилмаган деб топилади.

Агар биттадан ортиқ номзод иштирок этиб, ҳеч бири зарур овозни тўплай олмаса, икки ҳафта ичида энг кўп овоз олган икки номзод ўртасида такрорий овоз бериш ўтказилади.

Такрорий овоз беришда ғолиб номзод рақибидан кўпроқ овоз олиши керак ва овозлар сони “қарши” овозлардан кўпроқ бўлиши лозим. Шунингдек, сайловда камида 25 % сайловчи қатнашган бўлиши шарт. Агар иккинчи турда ҳам Президент сайланмаса, янги президентлик сайловлари тайинланади.



## 14. Германия

**Сайлов муддати:** 23 февраль.

**Сайлов ўтказиладиган вакиллик органи:** парламент.

**Сайлов тизими:** Дастлаб, сайловлар 2025 йил кузида ўтказилиши керак эди, аммо ҳукмрон “Светофор” коалициясидаги инқироз ва 2024 йил 6 ноябрь куни Эркин демократик партия раҳбари Кристиан Линднернинг молия вазири лавозимидан истеъфога чиқиши натижасида Олаф Шольц 2025 йил январда Бундестагда ишонч вотумини ўтказиш ва шу йил март ойида янги сайловлар ўтказишни эълон қилди.

2024 йил 12 ноябрь куни Христиан-демократик иттифоқ/Христиан-социал иттифоқ, Социал-демократик партия ва “Яшиллар/Иттифоқ 90” партиялари Олаф Шольц ҳукуматига нисбатан ишончсизлик вотумини 2024 йил 16 декабрда эълон қилинишини ва муддатдан олдинги парламент сайловлари 2025 йил 23 февралда ўтказилишига келишиб олган. Шу куни мамлакат Президенти ушбу муддатдан олдинги сайловлар санасини тасдиқлаган.

Германияда аралаш пропорционал сайлов тизими амал қилади. Сайловчилар икки овозга эга:

Биринчи овоз – ўз сайлов округида номзодни мажоритар тизим орқали тўғридан-тўғри сайлаш;

Иккинчи овоз – партиянинг сайлов рўйхати учун овоз бериш.

Бундестагга кириш учун партия иккинчи овозларнинг умумий сонидан камида беш фоизини олиши ва учта сайлов округида кўпчилик овозга эришиши (сайлов барьерини енгиши) керак.

Ҳар қандай ҳолатда партия иккинчи овозлар улушига мутаносиб равишда Бундестагда ўрин олади. Ўринлар аввало умуммиллий даражада, барьерни енгган партиялар ўртасида, сўнгра эса ҳар бир партиянинг федерал ерлар бўйича рўйхатлари асосида тақсимланади. Ҳар икки ҳисоб Вебстер/Сент-Лагюе усули бўйича амалга оширилади.

Ҳар бир федерал ерда партия ғалаба қозонган округлар сони унинг жами тақсимотидан чиқарилади, бу партиянинг охириги рўйхатдаги ўринларини белгилайди.

Мустақил номзодлар ўз округида кўпчилик овоз олса, сайланади. Мустақил номзодга биринчи овоз берилган бюллетенлардаги иккинчи овозлар тенгликни сақлаш учун ҳисобга олинмайди.

2023 йил март ойида Бундестагда сайлов ислоҳоти қонуни қабул қилинган бўлиб, унга кўра Бундестагнинг келгуси таркиби 630 нафар аъзодан иборат бўлади.



## 15. Руминия

**Сайлов муддати: 23 март.**

**Сайлов ўтказиладиган вакиллик органи: президент.**

**Сайлов тизими:** 2024 йилги президентлик сайловларининг иккинчи босқичига 48 соат қолганда, яъни 2024 йил 6 декабрда Руминия Конституциявий суди сайловларни бекор қилган. Сабаб сифатида Россия томонидан мустақил номзод Калин Жоржеску фойдасига аралашув гумон қилингани кўрсатилган. У биринчи босқичда 23 % овоз билан етакчилик қилган.

Сайловлар бекор қилинганидан бир неча ҳафта ўтиб, яъни 20 декабрда нашр қилинган суриштирувда ҳукмрон партиялардан бири, хусусан, Миллий Либерал Партия TikTok орқали кампанияларни молиялаштиргани маълум бўлган. Олий миллий хавфсизлик кенгаши фикрига кўра, бу кампаниялар Россиянинг Украинага бостириб киришидан аввал бошлаган онлайн кампаниясига “айнан ўхшаш” бўлган ва бу биринчи босқичнинг бекор қилинишига олиб келган.

Руминия Президенти фуқаролар томонидан беш йиллик муддатга умумий, тенг ва тўғридан-тўғри овоз бериш йўли билан, яширин овоз бериш орқали сайланади. Бир шахс икки муддатдан ортиқ Президент этиб сайланиши мумкин эмас. Сайловлар амалдаги Президент ваколоти яқунланишидан олдинги ойнинг яқшанбасида ўтказилади.

Агар Президент лавозими бўшаб қолса, уч ой ичида янги Президент сайлови ўтказилиши шарт.

Номзодлар сиёсий партиялар, сиёсий блоklar томонидан таклиф қилиниши ёки мустақил бўлиши мумкин. Бунда уларни камида 200 минг сайловчи қўллаб-қувватлаши керак.

Сайлов кампанияси сайлов кунидан 30 кун олдин бошланади ва сайловгача бўлган шанба тонггигача яқунланади. Давлат радио ва телевидениеси хизматларидан фойдаланиш барча номзодлар учун тенг ва бепул бўлади.



## 16. Албания

**Сайлов муддати: 11 май.**

**Сайлов ўтказиладиган вакиллик органи: парламент.**

**Сайлов тизими** Конституция ва Сайлов кодексида белгиланган принципларга асосланади. Парламентар конституциявий республика сифатида Албания кўппартиявий тизимда сиёсий партиялар томонидан йиғилган овозларга мос равишда ўринларни тақсимлайдиган ҳудудий пропорционаллик усулидан фойдаланади.

Парламент 140 нафар вакилдан иборат бўлиб, уларнинг ваколат муддати тўрт йил. Улардан 100 нафари кўп мандатли сайлов округларидан тўғридан-тўғри, 40 нафари эса партиялар ёки коалицияларнинг номзодлар рўйхатидан сайланади.

Конституция барча фуқаролар учун тенг, эркин ва яширин овоз беришни таъминлайдиган асосий демократик принципларни кафолатлайди. Албаниянинг 18 ёшга тўлган ва сайлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинмаган барча фуқаролари сайловларда иштирок этишлари мумкин. Сайлов кодекси шунингдек сайловчиларни рўйхатдан ўтказиш бўйича комплекс процедураларни белгилаб, барча ҳуқуқли фуқаролар сайлов жараёнида тўлиқ иштирок этишини таъминлайди.

Парламентдаги ўринларни тақсимлаш аҳоли сонига қараб Албаниянинг 12 сайлов округида, яъни маъмурий ҳудудларда амалга оширилади.

Пропорционалликни таъминлаш мақсадида ўринларни тақсимлаш учун 1 % овоз чегарасига асосланган д'Ондт усули қўлланилади. Бу усул ҳар бир округда рўйхатдан ўтган фуқаролар сонига мувофиқ ўринларни адолатли тақсимлашни таъминлайди.



## 17. Польша

**Сайлов муддати: 18 май.**

**Сайлов ўтказиладиган вакиллик органи: президент.**

**Сайлов тизими:** Польшада президентлик сайловлари иш куни бўлмаган кунларда (якшанба ёки байрам кунлари) Президент ваколоти яқунланишидан 75 кундан 100 кунгача бўлган муддат ичида ўтказилиши керак.

Президент беш йиллик муддатга икки босқичли тизим бўйича сайланади. Агар биринчи босқичда ҳеч бир номзод кўпчилик овозни тўплай олмаса, энг кўп овоз олган икки номзод ўртасида иккинчи босқич сайловлари ўтказилади.

Конституцияда Президентнинг икки муддатдан ортиқ лавозимда бўлиши тақиқлангани сабабли, амалдаги Президент Анжей Дуда қайта сайланиш ҳуқуқига эга эмас. Анжей Дуданинг иккинчи муддати 2025 йил 6 августда тугайди ва сайланган Президент ўша куни Миллий Мажлис (Сейм ва Сенатнинг қўшма йиғилиши) олдида қасамёд қилади.



## 18. Молдова

**Сайлов муддати: 11 июлгача.**

**Сайлов ўтказиладиган вакиллик органи: парламент.**

**Сайлов тизими:** Парламентнинг 101 нафар аъзоси умуммиллий сайлов округида партия рўйхатлари орқали пропорционал вакиллик тизими бўйича сайланади.

Умуммиллий овоз баръери рўйхат турига боғлиқ. Унга кўра партиялар ёки алоҳида ташкилотлар учун 5 %, икки партиядан иборат сайлов блоки учун 7 %, уч ва ундан ортиқ партиялар учун эса 11 % ни ташкил қилади. Мустақил номзодлар учун барьер 2 % ни ташкил этади.

Номзодларни кўрсатиш сайлов кунидан 60 кун олдин бошланади. Партия ёки сайлов блоки камида 51 ва кўпи билан 103 кишидан иборат номзодлар рўйхатини кўрсатади. Парламент сайловлари учун номзодлар рўйхатини шакллантиришда ҳар икки жинс учун 40 фоизлик минимал вакиллик квотасига риоя қилиниши лозим.

Бир шахс фақат бир номзодлар рўйхатига киритилиши мумкин. Мустақил номзодни рўйхатга олиш учун Марказий сайлов комиссиясига камида 2 минг ва кўпи билан 2,5 минг сайлов ҳуқуқига эга шахснинг қўллаб-қувватловчи имзолари топширилиши лозим. Аёл номзод рўйхатга олиниши учун камида 1 минг ва кўпи билан 2,5 минг сайлов ҳуқуқига эга шахснинг уни қўллаб-қувватловчи имзоларини тақдим этиши лозим.



## 19. Норвегия

**Сайлов муддати:** 8 сентябрь.

**Сайлов ўтказиладиган вакиллик органи:** парламент.

**Сайлов тизими:** Норвегиядаги парламент сайловлари 19 та кўп мандатли округда партия рўйхатлари бўйича пропорционал вакиллик тизими асосида ўтказилади. Ҳар бир округдан сайланадиган депутатлар сони 4 тадан 19 тагача ўзгаради. Округ учун ажратилган ўринлар сони аҳоли сони ва округнинг географик ўлчами асосида ҳисобланади. 169 нафар парламент ўрнини 19 та округ ўртасида тақсимлаш учун икки даражали формула қўлланилади. Бунда ҳар бир аҳоли бир балл, ҳар бир квадрат километр эса 1,8 балл сифатида ҳисобланади.

150 та ўрин одатий округ ўринларидир. Уларнинг тақсимланиши ҳар бир округдаги сайлов натижаларига асосланади ва бошқа округлардаги натижаларга боғлиқ эмас. Қолган ўн тўққизта ўрин (ҳар бир округга биттадан) “мувозанат ўринлари” деб аталади. Агар партиялар округларда умуммиллий халқ овоз бериш натижаларига мос бўлганидан камроқ ўрин олган бўлса, уларга “мувозанат ўринлари” берилади. Ҳисоблаш модификация қилинган Сент-Лагусе усули бўйича амалга оширилади. Партия компенсация ўринларини олиш учун камида 4 % овоз тўплаши керак. Бироқ, агар ушбу барьерга етмаса ҳам, округларда ўрин олиши мумкин.



## 20. Ирландия

**Сайлов муддати:** 27 октябргача (*расман эълон қилинмаган*).

**Сайлов ўтказиладиган вакиллик органи:** президент.

**Сайлов тизими:** Президент халқ томонидан тўғридан-тўғри сайланади. Агар фақат бир номзод кўрсатилган бўлса, сайлов ўтказилмайди. Бундай ҳолат олти марта кузатилган, энг охирги марта 2004 йилда содир бўлган. 1993 йилда қабул қилинган Президент сайловлари тўғрисидаги қонунга мувофиқ, бундай ҳолатда номзоднинг сайланганлиги расмий равишда сайлов учун масъул шахс томонидан эълон қилинади. Агар биттадан ортиқ номзод кўрсатилган бўлса, сайловлар “кечиктирилади” ва овоз бериш орқали сайловчилар номзодлар орасида танлов қилиш имконига эга бўлади. Президент сайловлари амалдаги Президентнинг етти йиллик муддати якунланганидан кейинги кун лавозимга киришишига тайёр бўлган ҳолда ўтказилади. Агар лавозим муддатидан олдин бўшаб қолса, сайлов 60 кун ичида ўтказилиши лозим.

Президентлик асосан расмий вазифа бўлиб, Президент чекланган ҳокимиятга эга ва конституциявий аҳамиятга эга мутлақ ихтиёр ҳуқуқини амалга оширади.

Президент Ирландия давлатининг рамзий вакили сифатида фаолият юритади.

Ирландия Президенти лавозимига номзод бўлиш учун талаблар:

- Ирландия фуқароси бўлиш;
- 35 ёшдан катта бўлиш;
- Қуйидаги органлардан кўрсатилган бўлиши:
  - Парламент палаталарининг (Oireachtas) 234 нафар аъзосидан камида 20 нафарининг кўрсатмаси ёки;
  - 31 графлик ёки шаҳар кенгашининг камида тўрттасининг кўрсатмаси ёки;
  - Агар номзод аввалги Президент бўлса ва етти йиллик муддатни тугатган бўлса, ўзи томонидан кўрсатилиши.

Агар парламент, графлик ёки шаҳар кенгаши аъзоси бир нечта номзодни кўрсатса, улардан биринчи кўрсатилган ҳужжат ҳақиқий деб ҳисобланади. Президент сайловлари Конституциянинг 12-моддасига мувофиқ ва 1993 йилдаги Президент сайловлари тўғрисидаги қонунга асосан ўтказилади.

Президент Ирландияда “дарҳол овоз бериш” тизими орқали сайланади. Барча ирландиялик фуқаролар амалдаги сайловчилар рўйхатида бўлган тақдирда овоз бериш ҳуқуқига эга. 2011 йилдаги Сайлов тўғрисидаги қонунга (ўзгартиришлар билан) мувофиқ, ҳар бир номзод учун харажатлар лимити 750 000 еврога тенг. Сайланган ёки овозларнинг 12,5 % дан ортиғини олган номзодлар 200 000 еврогача харажатларни қоплаш ҳуқуқига эга.



## 21. Чехия

**Сайлов муддати:** октябрь ойида (расман эълон қилинмаган).

**Сайлов ўтказиладиган вакиллик органи:** парламент.

**Сайлов тизими:** Ваколатлилар палатаси тўрт йиллик муддатга қолдиқ овоз бериш жараёни орқали сайланади.

2021 йил февраль ойида Конституциявий суд сайлов қонунчилигини қисман конституцияга зид деб топган. Бунга қадар ўринлар мамлакат ҳудудий тузилишига мос келадиган 14 та сайлов округида Д'Ондрт усули асосида тақсимланар эди. 5 % лик овоз тўсиғи амал қилиб, икки партияли коалициялар учун бу чегара 10 % ни, уч ёки тўрт партияли коалициялар учун эса тегишли равишда 15 % ва 20 % гача кўтарилган эди. Конституциявий суд Д'Ондрт усули бўйича ўринларни тақсимлаш катта партияларга устунлик берганини ва коалициялар учун юқори тўсиқ чегарасини танқид қилган.

2021 йил 1 июлда кучга кирган сайлов қонунчилиги ислоҳоти 14 та сайлов округини сақлаб қолди, уларда 200 та ўрин ўша округларга берилган ҳақиқий овозлар сонига пропорционал тақсимланди. 5 % лик тўсиқ амалда қолди, аммо коалициялар учун тўсиқ икки партия учун 8 % га, уч ёки ундан кўп партия учун 11 % га туширилди.

Маҳаллий ва миллий даражадаги икки босқичли ўрин тақсимооти қуйидагича амалга оширилади:

**Биринчи босқич:** Овозлар округларда тақсимланади. Ҳар бир округда регионал сайлов сони округда барча рўйхатлар учун берилган ҳақиқий овозлар сонини ўринлар сонига, иккига кўпайтирилган ҳолда бўлиш орқали аниқланади. Тўсиқдан ўтган партия ва коалициялар тўлиқ сонга етган ҳар бир овоз учун ўрин олади. Қолган овозлар миллий даражада ўрин тақсимоотининг асоси бўлиб хизмат қилади. Агар округ керагидан кўпроқ ўрин олса, ортиқча ўринлар қолган овозлари энг кам бўлган рўйхатларга камайтиради.

**Иккинчи босқич:** Миллий даражада тақсимланмаган ўринлар бўйича тақсимот амалга оширилади. Қолган овозлар партия ва коалицияларга бирлаштирилади. Бутун мамлакат бўйича қолган барча овозлар умумий ўринлар сонига бўлинади, бу рақамга бир қўшилади, ва ушбу рақам миллий сайлов сонини аниқлайди. Партия ёки коалициялар ушбу миллий сайлов сонига тенг ёки ундан юқори қолган овозлар учун ўрин олади. Агар барча ўринлар шу тариқа тақсимланмаса, қолган ўринлар энг катта қолдиқ овозларга эга партия ва коалицияларга берилади. Миллий даражада партиёга берилган ўринлар партиянинг қолган овозлари энг кўп бўлган округларга ажратилади.



## 22. Гренландия

**Сайлов муддати:** 6 апрелгача (*расман эълон қилинмаган*).


**Сайлов ўтказиладиган вакиллик органи:** парламент.

**Сайлов тизими:** 31 нафар Инатсисартут (парламент) аъзоси ягона умуммиллий сайлов округидан пропорционал тизим асосида сайланади. Мандатлар д'Ондрт усули бўйича тақсимланади.

Мустақиллик бу сайловларнинг энг муҳим масаласига айланиши тахмин қилинмоқда. Ҳукумат 2024 йил февраль ойида мустақилликни ўз мақсади деб эълон қилган. 2025 йил бошида ўтказилган матбуот анжуманида мустақиллик тарафдори бўлган Бош вазир Муте Боуруп Эгеде: “Гренландияни мустақил давлат сифатида шакллантириш учун асос яратиш ишлари аллақачон бошланган”, — дея таъкидлаган ва 2025 йил апрелида сайловлар билан бир вақтда мустақиллик бўйича референдум ўтказилиши мумкинлигини айтиб ўтган.

Гренландия ҳеч қачон мустақиллик бўйича референдум ўтказмаган, аммо қўшни ҳудудлар, масалан, Исландия (1944 йилда), Фарер ороллари (1946 йилда) ва Ньюфаундленд (1948 йилда) бундай референдумлар ўтказган.

### III. АМЕРИКА ҚИТЪАСИ



#### 23. Теркс ва Кайкос ороллари

**Сайлов муддати: 7 февраль.**

**Сайлов ўтказиладиган вакиллик органи: парламент.**

**Сайлов тизими.** Мажлис палатаси 21 нафар аъзодан иборат бўлиб, шулардан 19 нафари сайланадиган аъзолар, иккитаси эса лавозимига кўра (Бош прокурор ва Спикер) тайинланади.

19 та аъзо икки усул билан сайланади:

ўн нафари бир мандатли сайлов округларида;

тўққиз нафари умумий тартибда миллий даражада сайланади, бунда сайловчилар тўққизта номзод учун овоз беришлари мумкин.



#### 24. Эквадор

**Сайлов муддати: 9 февраль.**

**Сайлов ўтказиладиган вакиллик органи: президент ва парламент.**

**Сайлов тизими.** Президент модификацияланган икки турли тизим орқали сайланади, бу тизимга кўра номзод биринчи турда сайланиши учун 50 фоиздан кўпроқ овоз олиши ёки 40 фоиздан кўпроқ овоз олиб, энг яқин рақибидан 10 фоизга ортиқ фарқ билан ғалаба қозониши керак. Президентлик икки кетма-кет тўрт йиллик муддат билан чекланган.

Миллий мажлис аъзолари уч хил усул билан сайланади. Ўн беш нафар аъзо ягона умуммиллий округда ёпиқ рўйхатли пропорционал тизим асосида сайланади.

Олти нафар аъзо хориждаги сайловчилар томонидан сайланади (Канада/АҚШ, Лотин Америкаси ҳамда Осиё/Европа/Океаниядан икки нафардан).

Қолган 116 нафар аъзо кўп мандатли округларда ёпиқ рўйхатли пропорционал тизим асосида Вебстер усули орқали тақсимланадиган ўринлар билан сайланади.

Миллий мажлис аъзолари икки тўрт йиллик муддат билан чекланган. Партия рўйхатларида гендер квоталари мавжуд бўлиб, эркеклар ва аёллар навбатма-навбат қўйилади. Миллатлар вакиллари учун махсус квоталар мавжуд эмас.



## 25. Бермуд ороллари

**Сайлов муддати:** 18 февраль.

**Сайлов ўтказиладиган вакиллик органи:** парламент.

**Сайлов тизими.** Мажлис палатаси аъзолари 36 нафар бўлиб, улар бир мандатли округларда энг кўпи билан беш йиллик муддатга сайланади. Бермуд оролларида сайловлар учун белгиланган аниқ сана мавжуд эмас. Губернатор парламентни тарқатиб юбориш ва янги сайловларни исталган вақтда, одатда Бош вазирнинг тавсиясига кўра ўтказиш ҳуқуқига эга.

Бермуд оролларида икки партияли тизим амал қилади (ҳозирги кунда улар Прогрессив меҳнат партияси ва Бирлашган Бермуд альянси деб номланади). 1968 йилдан буён учинчи партиялар ёки мустақил номзодлар байроғи остида сайланган номзодлар жуда кам учраган. Бундай ҳолат 1985 йилда икки номзод Миллий либерал партиядан сайланганида ҳамда 1989 йилда битта номзод Миллий либерал партиядан ва битта мустақил номзод сайланганида содир бўлган.



## 26. Кюрасао

**Сайлов муддати:** 19 март.

**Сайлов ўтказиладиган вакиллик органи:** парламент.

**Сайлов тизими.** Кюрасао сайлов тизими пропорционал вакилликка асосланган. Бу дегани, партиялар сайловда олган овозларига мутаносиб равишда парламентда ўринларга эга бўлади. Кюрасао парламенти 21 нафар аъзодан иборат.

Аввалги сайловларда вакилликка эга бўлган партиялар автоматик равишда сайловларда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлади. Бошқа партиялар эса асосий сайловларда қатнашиш имкониятига эга бўлишлари учун дастлабки сайловлар (праймериз) ўтказилади.



## 27. Кайман ороллари

**Сайлов муддати:** 30 апрель.

**Сайлов ўтказиладиган вакиллик органи:** парламент.

**Сайлов тизими.** Кайман оролларида парламент сайловлари учун бир мандатли сайлов тизими қўлланилади. Парламент 21 нафар аъзодан иборат бўлиб, улардан 19 нафари тўрт йиллик муддатга умумхалқ сайловлари орқали сайланади, қолган икки аъзо лавозими бўйича тайинланади. Сайловлар бир мандатли округларда ўтказилади ва сайловчилар ўз округидаги номзод учун овоз берадилар.

Кайман ороллари губернатори исталган вақтда парламент фаолиятини вақтинча тўхтатиши ёки уни тарқатиб юбориши мумкин. Парламент тарқатиб юборилган ҳолда, сайловлар икки ой ичида ўтказилиши шарт.



## 28. Суринам

**Сайлов муддати:** 25 май.

**Сайлов ўтказиладиган вакиллик органи:** парламент.

**Сайлов тизими.** Миллий Мажлисдаги 51 та ўрин пропорционаллик тамойили асосида партия рўйхатлари бўйича сайланади. Аввалги умумхалқ сайловлари ўнта кўп мандатли округ бўйича ўтказиларди. Аммо 2022 йилда Конституциявий суд бу тизимни конституцияга зид деб топганидан кейин округлар тугатилган. Энди барча 51 та ўрин ягона умуммиллий сайлов округи бўйича сайланади. Ассамблея янги сайлов тизимини 2023 йил 13 октябрда тасдиқлаган.



## 29. Боливия

**Сайлов муддати:** 17 август.

**Сайлов ўтказиладиган вакиллик органи:** президент ва парламент.

**Сайлов тизими.** Боливия Президенти модификацияланган биринчи даражали кўпчилик тизими (икки турли тизим) бўйича сайланади. Номзод сайловда ғолиб деб эълон қилиниши учун 50 % дан ортиқ овоз ёки 40 % дан ортиқ овоз олиб, энг яқин рақибидан 10 фоизга кўпроқ фарқ билан ғалаба қозониши керак. Агар бу шартлар бажарилмаса, биринчи икки ўринни эгаллаган номзодлар ўртасида иккинчи тур ўтказилади.

130 нафар депутатдан иборат Қонунчилик палатаси (Cámara de Diputados) мандатлар боғлиқлигига асосланган аралаш компенсацион тизим бўйича сайланади ва ҳар бир сайловчи икки овоз беради.

Шундан:

- 63 нафар депутат бир мандатли округларда биринчи даражали кўпчилик тизими бўйича сайланади,
- 60 нафар депутат партиявий рўйхатлар бўйича пропорционал тизим асосида Боливиянинг тўққиз департаменти учун белгиланган турли ўлчамдаги округларда сайланади (3 % ли қўйи чегара билан).

Ҳар бир минтақадаги рўйхатлар бўйича ўринлар президентлик сайловида тўпланган овозлар асосида ҳисобланади, бир мандатли округларда қўлга киритилган ўринлар эса айриб ташланади (аралаш пропорционалликни таъминлаш учун). Қолган етти ўрин эса асл халқларнинг **usos y costumbres** принципи (маҳаллий аҳолининг урф-одатлари ва анъаналарига асосланган сайлов тизими)га асосан сайланади. Сайловчи оддий ёки махсус сайлов округларининг фақат бирида овоз бериши мумкин.

Партиявий рўйхатларда эркаклар ва аёллар навбатма-навбат қўйилиши шарт. Бир мандатли округларда номзодлар эркак-аёл ёки аёл-эркак тартибида тақдим этилади. Бир мандатли округлардаги депутатларнинг камида 50 % и аёллар бўлиши шарт.

Сенаторлар палатаси (Cámara de Senadores) 36 нафар аъзодан иборат бўлиб, ҳар бир департаментдан тўрттадан сенаторлар ёки партия рўйхатлари асосида Д'Ондрт усули билан сайланади. Сенатдаги ўринлар ҳам президентлик сайлови натижалари асосида тақсимланади.

Сайловда Президент (биринчи тур), қонунчилик палатаси ва сенат учун бир хил овозлар берилади, бу эса сайлов жараёнини икки ёки уч қисмга синхрон овоз беришга айлантиради. Шу боис, сайловчилар ушбу сайловларда овоз беришни ажрата олмайдилар, аммо қонунчилик палатаси сайловида бир мандатли округда бошқа рўйхат номзодига овоз беришлари мумкин.

Боливияда овоз бериш 18 ёшга тўлган барча катталар учун мажбурийдир. Овоз беришдан сўнг сайловчига иштирок этганини исботлайдиган карточка берилади. Агар сайловдан сўнг уч ой ичида ушбу карточкани тақдим этмаса, сайловчи банкдан маошини ола олмайди.



## 30. Канада

**Сайлов муддати:** 20 октябргача (расман эълон қилинмаган).

**Сайлов ўтказиладиган вакиллик органи:** парламент.

**Сайлов тизими.** Канада сайлов тизими, баъзан мажоритар тизим деб аталса-да, расмий равишда бир мандатли плюралистик тизим деб номланади. Округда энг кўп овоз тўплаган номзод Қўшма палатада ўрин эгаллайди ва ушбу округни парламент аъзоси сифатида тақдим этади. Қўшма палатада энг кўп ўрин олган партия одатда ҳукуматни шакллантиради ва унинг раҳбари Бош вазир бўлади. Қўшма палатада энг кўп ўринга эга, аммо ҳукумат ёки ҳукмрон коалиция таркибига кирмаган партия расмий мухолифат мақомига эга бўлади. Бу партия бошқа мухолифат партияларига қараганда кўпроқ молиявий ёрдам ва нуфузга эга бўлади.

Ҳокимиятга эришиш учун сайловларда берилган овозларнинг мутлақ кўпчилигини олиш талаб этилмайди.

Шунингдек, ҳукмрон партия Қўшма палатада ўринларнинг мутлақ кўпчилигига эга бўлиши шарт эмас ва бу кўппартиявий тизим шароитида анча тез-тез учрайди. Бироқ, қонун лойиҳаларини қабул қилиш учун ҳукмрон партия парламент аъзоларининг кўпчилигининг қўллаб-қувватловига эга бўлиши керак. Кўпчиликнинг қўллаб-қувватловисиз ҳукумат тарқатилиши ёки янги сайловлар ўтказилиши мумкин.



## 31. Аргентина

**Сайлов муддати:** 26 октябрь.

**Сайлов ўтказиладиган вакиллик органи:** парламент.

**Сайлов тизими.** Депутатлар палатасидаги 257 та ўрин 24 та кўп мандатли округларда пропорционал вакиллик тизими асосида сайланади. Бу округлар провинциялар (қўшимча равишда Буэнос-Айрес шаҳри) асосида ташкил этилган. Мандатлар д'Ондт усули билан, 3%ли овоз чегараси асосида тақсимланади. Ушбу сайловда 257 та ўриндан 127 таси тўрт йиллик муддатга янгиланади.

Сенатнинг 72 нафар аъзоси ҳам худди шу 24 та округда сайланади. Ҳар бир округдан учтадан ўрин ажратилади. Ҳар бир округда энг кўп овоз олган партия икки ўринни, иккинчи ўринни олган партия эса битта ўринни қўлга киритади.



## 32. Чили

**Сайлов муддати:** 16 ноябрь.

**Сайлов ўтказиладиган вакиллик органи:** президент ва парламент.

**Сайлов тизими.** Президент икки босқичли тизим асосида сайланади. Агар биринчи босқичда ҳеч бир номзод кўпчилик овоз олмаса, иккинчи босқич ўтказилади.

Миллий Конгрессда 155 нафар Депутатлар палатаси аъзоси 28 та кўп мандатли округдан сайланади. Ҳар бир округда ўринлар сони учдан саккизтагача бўлиб, пропорционал вакиллик тизими ва очиқ рўйхат асосида тақсимланади. Ўринлар д'Ондт усули бўйича тақсимланади.

Сенатнинг 50 нафар аъзоси саккиз йиллик муддатга сайланади ва ҳар умумхалқ сайловида сенаторларнинг тахминан ярми янгиланади. Сенаторлар 16 та кўп мандатли округдан сайланади, ўринлар сони ҳудудга қараб иккитадан бештагача ўзгаради.



### 33. Гондурас

**Сайлов муддати:** 24 ноябргача (*расман эълон қилинмаган*).

**Сайлов ўтказиладиган вакиллик органи:** парламент.

**Сайлов тизими.** Президент плюрализм принципи асосида сайланади, бунда энг кўп овоз тўплаган номзод бир турда ғолиб деб эълон қилинади.

Миллий Конгресснинг 128 нафар аъзоси 18 та кўп мандатли сайлов округларидан пропорционал вакиллик тизими асосида очиқ рўйхатлар орқали сайланади. Ушбу округлар департаментлар асосида ташкил қилинган бўлиб, ўринлар сони биттадан 23 тагача бўлиши мумкин. Ўринлар Харе квотаси усули бўйича тақсимланади.



### 34. Ямайка

**Сайлов муддати:** ноябрь (*расман эълон қилинмаган*).

**Сайлов ўтказиладиган вакиллик органи:** парламент.

**Сайлов тизими.** Депутатлар палатасининг 63 нафар аъзоси бир мандатли округларда мажоритар овоз бериш йўли билан сайланади. Сайловчилар 18 ёшдан катта бўлиши, Ямайка ёки Британ Ҳамдўстлиги фуқароси бўлиши лозим.

Депутатлар палатасида кўпчилик қўллаб-қувватловига эга партия раҳбари генерал-губернатор томонидан ҳукуматни шакллантириш учун Бош вазир сифатида тайинланади. Ҳукумат таркибига кирмаган энг йирик гуруҳ ёки коалиция раҳбари эса мухолифат раҳбари бўлади.



### 35. Сент-Винсент ва Гренадин ороллари

**Сайлов муддати:** ноябрь (расман эълон қилинмаган).

**Сайлов ўтказиладиган вакиллик органи:** парламент.

**Сайлов тизими.** Қонунчилик палатасининг 15 нафар аъзоси бир мандатли округларда нисбий кўпчилик тизими асосида сайланади. Яна олти нафар аъзонинг тўрт нафари ҳукумат томонидан, икки нафари эса мухолифат томонидан тайинланади.



### 36. Тринидад ва Тобаго

**Сайлов муддати:** ноябрь (расман эълон қилинмаган).

**Сайлов ўтказиладиган вакиллик органи:** парламент.

**Сайлов тизими.** Вакиллар палатасининг 41 нафар аъзоси бир мандатли сайлов округларида нисбий кўпчилик тизими асосида сайланади. Рўйхатдан ўтган сайловчилар 18 ёшдан катта бўлиши, овоз бериш кунигача икки ой давомида ушбу сайлов округида яшаган бўлиши, Тринидад ва Тобаго фуқароси ёки Содиқлик ҳамжамиятининг қонуний тарзда Тринидад ва Тобаго ҳудудида камида бир йил яшаган фуқароси бўлиши керак.

Агар бир партия кўпчилик ўринларни қўлга киритса, ўша партия ҳукуматни тузиш ҳуқуқига эга бўлади ва унинг раҳбари Бош вазир бўлади. Агар сайловлар натижасида ҳеч қайси партия кўпчиликка эришмаса, бундай ҳолатда “осилиб турган парламент” юзага келади. Бу ҳолатда ҳукуматни тузиш учун икки вариант мавжуд: ёки кичик ҳукумат, ёки коалицион ҳукумат тузилади.



### 37. Гайана

**Сайлов муддати:** декабрь (расман эълон қилинмаган).

**Сайлов ўтказиладиган вакиллик органи:** президент ва парламент.

**Сайлов тизими.** Миллий Ассамблеянинг 65 нафар аъзоси пропорционал вакиллик тизими асосида ёпиқ рўйхатлар орқали сайланади. Ушбу ўринлардан 40 таси умуммиллий округга, қолган 25 таси эса 10 та минтақавий округга тақсимланади. Ўринлар Харе квотаси усули бўйича ҳисобланади.

Президент мажоритар тизимдаги икки томонлама синхрон овоз бериш усули билан сайланади. Бунда ҳар бир рўйхат ўз номзодини президентликка кўрсатади. Президентлик сайловларида энг кўп овоз олган рўйхатнинг номзоди ғолиб деб топилади.



### 38. Белиз

**Сайлов муддати:** **номаълум** (*расман эълон қилинмаган*).

**Сайлов ўтказиладиган вакиллик органи:** **парламент.**

**Сайлов тизими.** Депутатлар сайлов округларида мажоритар тизим асосида сайланади.

Аввалига Қонунчилик палатасида 18 та ўрин бўлган. Ўринлар сони 1984 йилда 28 тага, 1993 йилда 29 тага, 2008 йилда эса 31 тага кўпайган. Сўнгги сайлов 2020 йил 11 декабрда бўлиб ўтган.



### 39. Венесуэла

**Сайлов муддати:** **номаълум** (*расман эълон қилинмаган*).

**Сайлов ўтказиладиган вакиллик органи:** **парламент.**

**Сайлов тизими.** Конституцияга мувофиқ, Миллий ассамблея 277 нафар депутатдан иборат бўлиб, шулардан 274 нафари беш йиллик муддатга умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида эркин, шахсий ва яширин овоз бериш йўли билан аҳоли томонидан сайланади. Қолган учта ўрин маҳаллий аҳоли вакиллари учун ажратилган бўлиб, улар алоҳида сайланади.

2009 йил 15 февралдаги Конституцияга киритилган тuzатишга кўра, депутатлар муддатлар сони чекланмаган ҳолда қайта сайланиши мумкин.

Парламент сайловлари аралаш тизимда ўтказилади. 113 та депутат мажоритар тизим бўйича сайланади. Бунда 24 та сайлов округи ташкил этилади, шулардан 23 та округ кўп мандатли бўлиб, уларда 2 тадан 12 нафаргача депутат сайланади ва 1 та округ бир мандатли бўлади.

51 та депутат пропорционал тизим буйича ёпиқ партиявий рўйхатлар асосида сайланади. Ўринлар Д'Ондрт усули билан тақсимланади. Пропорционал тизим буйича сайловлар учун 24 та кўп мандатли округ ташкил этилади, улар 23 та штат ва федерал округга тўғри келади, бунда 21 та округда 2 тадан депутат, учта округда эса 3 тадан депутат сайланади.

Сайловлар ўртасида пайдо бўладиган бўш ўринлар ўша партиявий рўйхатдан навбатдаги номзодлар томонидан тўлдирилади.

Номзод ўз ташаббуси билан мустақил равишда, фуқаролар гуруҳи ёки сиёсий партия томонидан кўрсатилиши мумкин.

Партиялар мажоритар ва пропорционал тизим буйича номзодлар рўйхатини тақдим этар экан, уларга ҳар икки жинс вакиллари киритишлари шарт (бир жинснинг улуши 40 % дан кам ва 60 % дан кўп бўлмаслиги керак) ҳамда эркаклар ва аёлларни навбатма-навбат жойлаштиришлари талаби мавжуд.

## IV. АФРИКА ҚИТЪАСИ



### 40. Комор ороллари

**Сайлов муддати:** 12 январь.

**Сайлов ўтказиладиган вакиллик органи:** парламент.

**Сайлов тизими.** Комор ороллари иттифоқи парламенти Иттифоқ Ассамблеяси бўлиб, бир палатали ҳисобланади. Унга 33 нафар депутат 5 йил муддатга иккита тур сайлов натижаларига кўра сайланади. Бунда 24 нафар депутат бир мандатли кўпчилик овоз бериш йўли билан, 9 нафар депутат эса Иттифоқнинг учта ороли – Нгазиджа, Ндзуани ва Мвалидан 3 нафардан билвосита сайланади. Биринчи турда энг юқори овоз олган икки номзод иккинчи турда курашади.

Комор оролларида овоз бериш учун ёш цензи 18 ёшни ташкил этади, овоз бериш эса мажбурий эмас.



### 41. Бурунди

**Сайлов муддати:** 5 июнь.

**Сайлов ўтказиладиган вакиллик органи:** парламент.

**Сайлов тизими.** Миллий ассамблея 100 нафар тўғридан-тўғри сайланган аъзодан иборат бўлиб, уларнинг 18 нафари кўп мандатли сайлов округида (провинциялар сонига тенг) ёпиқ рўйхатли пропорционал вакиллик тизими асосида сайланади. Ўринлар д'Ондт усули бўйича ва 2 % миллий овоз чегараси асосида тақсимланади.

Қўшимча равишда тва этник гуруҳидан уч нафар аъзо тайинланади, қолган аъзолар хуту ва тутси этник гуруҳи ўртасида 60/40 нисбатни ҳамда аёл депутатлар учун 30 % лик квотани таъминлаш мақсадида кооптация йўли билан танланади.

Сенат маҳаллий кенгашлар коллегиялари томонидан сайланади. Тва этник гуруҳидан уч нафар аъзо тайинланади, қолган аъзолар хуту ва тутси ўртасидаги 50/50 нисбатни ҳамда аёл сенаторлар учун 30 % лик квотани таъминлаш учун кооптация йўли билан танланади.



## 42. Малави

**Сайлов муддати:** 16 сентябрь.

**Сайлов ўтказиладиган вакиллик органи:** президент ва парламент.

**Сайлов тизими.** Малави Президенти 2019 йилги сайловлар бекор қилингани ва 2020 йил 8 майда Олий суд қарори эълон қилинганидан кейин икки турли тизим бўйича сайланиши кутилмоқда.

Президентлик сайловларида номзод биринчи турда ғалаба қозониши учун мутлақ кўпчилик овозини олиши зарур. Агар бирон-бир номзод 50 % ли тўсиқни енгиб ўтолмаса, иккинчи тур ўтказилади.

Миллий Ассамблеянинг 193 нафар аъзоси бир мандатли сайлов округларида нисбий кўпчилик мажоритар тизими асосида сайланади.



## 43. Габон

**Сайлов муддати:** август (расман эълон қилинмаган).

**Сайлов ўтказиладиган вакиллик органи:** президент ва парламент.

**Сайлов тизими.** 2023 йил август ойида умумхалқ сайловлари ўтказилиб, амалдаги Президент Али Бонго 64 % овоз олган ва учинчи муддатга сайланган. Сайлов натижалари кўплаб баҳс ва зиддиятларга сабаб бўлган. Тўрт кун ўтгач, Габон армияси ва Габон Республика гвардияси бригадир генерал Брис Олигуи Нгема бошчилигида давлат тўнтаришини амалга оширган. Натижада Бонго ва унинг ҳукумати лавозимидан четлаштирилиб, ҳибсга олинган, сайлов натижалари бекор қилинган, барча давлат институтлари тарқатилган ва ҳокимият Нгема бошчилигидаги ҳарбийларга ўтган.

2023 йил 13 ноябрь куни ҳарбий ҳокимият вакиллари 2025 йил август ойида, тўнтаришдан икки йил ўтгач, эркин ва адолатли сайловлар ўтказишни ваъда қилган, аммо аниқ санани эълон қилишмаган.

2024 йил 16 ноябрь куни Габонда конституциявий референдум ўтказилган. Референдумда Бош вазир лавозими бекор қилиниб, етти йиллик президентлик муддати ва уни бир марта узайтириш имконияти белгиланган. Шунингдек, президентликка номзод учун камида битта ота-онаси габонлик бўлиши ва рафиқаси габонлик бўлиши талаб қилинган. Бу референдум тўнтаришдан сўнг фуқаролик бошқарувига қайтиш учун муҳим қадам сифатида қаралган. Референдум Брис Олигуи Нгеманинг 2025 йилги сайловларда иштирок этишига йўл очиб берган.

Габон Президенти етти йиллик муддатга мутлақ кўпчилик овози орқали сайланади. Габонда овоз бериш ҳуқуқи 21 ёшдан бошланади ва овоз бериш мажбурийдир. Овоз беришда иштирок этмаганлар жаримага тортилиши мумкин.

Миллий ассамблея 143 та ўриндан иборат бўлиб, улар беш йиллик муддатга кўпчилик овоз билан сайланади.



#### 44. Сейшел ороллари

**Сайлов муддати:** 27 сентябрь.

**Сайлов ўтказиладиган вакиллик органи:** президент ва парламент.

**Сайлов тизими.** Сейшел ороллари Президенти икки турда ўтказиладиган сайлов тизим асосида сайланади. Агар бирон бир номзод биринчи турда кўпчилик овоз ололмаса, энг кўп овоз олган икки номзод ўртасида иккинчи тур ўтказилади.

Миллий ассамблея аъзолари икки усул билан сайланади: 26 нафар аъзо бир мандатли округларда нисбий кўпчилик тизими асосида сайланади. Яна ўнтагача ўрин эса ҳар бир партия томонидан мамлакат бўйлаб олинган умумий овозлар фоизига қараб ажратилади. Ҳар 10 % овоз учун партияга битта қўшимча ўрин берилади.



#### 45. Сомали

**Сайлов муддати:** сентябрь *(расман эълон қилинмаган)*.

**Сайлов ўтказиладиган вакиллик органи:** президент ва парламент.

**Сайлов тизими.** Сомалида сайловлар “бир одам – бир овоз” формуласи бўйича ўтказилади, бу мамлакатдаги “демократик ўзгаришлар”, барқарорлик ва ҳокимият институтларини мустаҳкамлашни акс эттиради, деб таъкидлайди портал.

Умумий тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи принципи 1969 йилда диктатор Сиад Барре ҳокимиятга келганидан сўнг бекор қилинган эди. Унинг 1991 йилда афдарилишидан кейин эса мамлакатда клан тизими шаклланди. Парламентга ўз вакилларини кланлар тайинлар, президентлик номзоди ҳам улар томонидан келишилди эди.

Амалдаги конституция 2012 йилда қабул қилинган, икки йил ўтгач эса уни қайта кўриб чиқиш ва унга тузатишлар киритиш жараёни бошланган.

Кейинги президентлик сайловларида Бош вазир лавозими Вице-президент билан алмаштирилиши керак. Маҳаллий ҳокимият органлари сайловлари миллий даражада ўтказиладиган сайловлар учун асос бўлиб хизмат қилади ва улар “ёпиқ рўйхатли пропорционал тизими” бўйича ўтказилади.



#### 46. Камерун

**Сайлов муддати:** 5 октябрь.

**Сайлов ўтказиладиган вакиллик органи:** президент.

**Сайлов тизими.** Камерун Президенти нисбий кўпчилик тизими бўйича сайланади ҳамда энг кўп овоз тўплаган номзод ғолиб деб эълон қилинади. Овозларнинг мутлақ кўпчилигини олиш талаби мавжуд эмас. Сайлов учун рўйхатга олиш 2024 йил 31 августда якунланган ва тахминий маълумотларга кўра, сайловда иштирок этиш учун 7 млн нафардан ортиқ киши рўйхатдан ўтган.



#### 47. Кот-д'Ивуар

**Сайлов муддати:** октябрь (расман эълон қилинмаган).

**Сайлов ўтказиладиган вакиллик органи:** президент.

**Сайлов тизими.** Кот-д'Ивуар Президенти ҳар беш йилда умумий ва яширин овоз бериш йўли билан сайланади.

Агар биринчи турда ҳеч қайси номзод кўпчилик овоз олмаса, иккинчи тур тайинланади. Давлат раҳбари сайланганидан сўнг парламент Вице-президентни тайинлайди.

2016 йилги Конституцияга мувофиқ, Президент ва Вице-президент кетма-кет икки муддат билан чекланган. Аммо Конституциявий кенгаш 2016 йилда қабул қилинган Учинчи Республика Конституцияси билан президентлик муддатларининг “ҳисоби қайтадан бошлангани”ни таъкидлаган. Бу Алаассан Уаттаранинг қонунан кейинги президентлик сайловларида ўз номзодини қўйиши мумкинлигини англатади.



## 48. Танзания

**Сайлов муддати:** октябрь ойида (расман эълон қилинмаган).

**Сайлов ўтказиладиган вакиллик органи:** президент ва парламент.

**Сайлов тизими.** Танзания Президенти кўпчилик овоз билан сайланади. Энг кўп овоз тўплаган номзод сайланган деб ҳисобланади. 1977 йилги Конституциянинг 39 (1)-моддасига кўра, номзодлар Танзания фуқароси бўлиши, камида 40 ёшга тўлган бўлиши, сиёсий партия томонидан кўрсатилган бўлиши, депутат ёки Занзибар Вакиллар палатаси аъзоси бўлиш ҳуқуқига эга бўлиши ҳамда солиқ тўлашдан қочишга доир судланганликка эга бўлмаслиги керак.

Миллий қонун чиқарувчи орган таркибини аниқлаш учун оддий кўпчилик тизими қўлланилади.

Миллий Ассамблея (Бунге)да:

239 нафар аъзо бир мандатли округларда беш йиллик муддатга кўпчилик овоз билан сайланади;

102 та ўрин беш йиллик муддатга аёллар учун резерв қилинади;

5 та ўрин беш йиллик муддатга Занзибар Вакиллар палатаси аъзолари учун ажратилади;

10 та ўрин беш йиллик муддатга Президент томонидан тайинланади.



## 49. Марказий Африка Республикаси

**Сайлов муддати:** декабрь (расман эълон қилинмаган).

**Сайлов ўтказиладиган вакиллик органи:** президент ва парламент.

**Сайлов тизими.** Марказий Африка Республикаси Президенти икки турли тизим бўйича беш йиллик муддатга сайланади. Президентликка номзод биринчи турда мутлақ кўпчилик овоз олса, сайланган деб ҳисобланади. Агар мутлақ кўпчилик овоз олинмаса, энг кўп овоз олган икки номзод ўртасида ғолибни аниқлаш учун иккинчи тур ўтказилади.

140 нафар депутат бир мандатли сайлов округларида мутлақ кўпчилик овоз асосида сайланади. Улар беш йиллик муддатга икки босқичли тизим бўйича сайланади. Номзодлар камида 25 ёшда бўлиши ва 250 минг франк миқдорида гаров тўлаши керак. Агар улар ўз округида 10 % дан ортиқ овоз тўпласа, ушбу гаров қайтарилади. 2020 йилгача гаров 100 минг франкни ташкил қиларди ва 5 % дан ортиқ овоз тўплаган ҳолда ярми қайтариларди.

Агар номзодлардан биронтаси 50 % дан кўп овоз олмаса, иккинчи турда энг кўп овоз олган икки номзод ўртасида сайлов ўтказилади. Агар овозлар тенг бўлиб қолса, аёл номзодга афзаллик берилади. Агар ҳар икки номзод бир хил жинсга мансуб бўлса, каттароқ ёшдаги номзод ғолиб деб топилади.



## 50. Камерун

**Сайлов муддати:** номаълум.

**Сайлов ўтказиладиган вакиллик органи:** парламент.

**Сайлов тизими.** 180 нафар Миллий Ассамблея аъзоси 58 та бир мандатли ва кўп мандатли сайлов округларида, департаментлар бўйича сайланади. Бир мандатли округларда мажоритар овоз бериш тизими қўлланилади.

Кўп мандатли округларда ёпиқ рўйхатли пропорционал вакилликнинг модификацияланган шакли қўлланилади. Бунда агар бирон бир партия округда 50 % дан ортиқ овоз олса, барча ўринларни қўлга киритади. Агар бирон бир партия 50 % дан ортиқ овоз олмаса, энг кўп овоз олган партия ўринларнинг ярмини олади, 5 % дан ортиқ овоз олган бошқа партиялар эса қолган ярмидан ўз улушини Харе квотаси ва энг катта қолдиқ усули асосида пропорционал тарзда олади.



## 51. Миср

**Сайлов муддати:** номаълум (расман эълон қилинмаган).

**Сайлов ўтказиладиган вакиллик органи:** парламент.

**Сайлов тизими.** Миср парламенти 596 та ўриндан иборат бўлиб, уларнинг 448 таси бир мандатли сайлов округларида, 120 та ўрин эса партиявий блоклар орқали сайланади.

Партиявий рўйхатларда барча ўринларни қўлга киритиш учун 50 % дан ортиқ овоз тўплаш керак. Агар ҳеч қайси рўйхат ушбу чегарани боса олмаса, энг яхши икки партия ўртасида иккинчи тур ўтказилади ва энг кўп овоз олган рўйхат ғолиб бўлади.

Партиявий рўйхатларда ёшлар, аёллар, насронийлар ва ишчилар учун квоталар белгиланган. Бир мандатли округлар бир мандатли, икки мандатли, уч мандатли ва тўрт мандатли округларга бўлинган. Ғолиб бўлиш учун номзод 50 %+1 овоз тўплаши керак. Агар ҳеч ким ушбу чегарани боса олмаса, иккинчи тур ўтказилади, унда ўринлар сонидан икки баробар кўп номзод иштирок этади ва энг кўп овоз олган номзод ғолиб бўлади.

Бундан ташқари, 28 та мандат Президент томонидан тайинланади.



## 52. Того

**Сайлов муддати:** номаълум.

**Сайлов ўтказиладиган вакиллик органи:** президент.

**Сайлов тизими.** 2024 йилдаги конституциявий ислохотдан сўнгги илк президентлик сайловлари бўлиб, унда тўғридан-тўғри президент сайловлари бекор қилинган ва Президент эндиликда Миллий ассамблея томонидан сайланадиган бўлган.

Республика Президенти лавозимига номзод бўлиши учун шахс туғилишидан фақат Того фуқароси бўлиши, номзодини кўрсатиш кунда 35 ёшга тўлган бўлиши, барча фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлиши, Конституциявий суд томонидан тайинланган уч нафар қасамёд қилган шифокор томонидан тасдиқланган жисмоний ва руҳий саломатлик ҳолатига эга бўлиши ҳамда мамлакат ҳудудида камида 12 ой давомида яшаган бўлиши лозим.

## V. ОКЕАНИЯ



### 53. Вануату

**Сайлов муддати:** 16 январь.

**Сайлов ўтказиладиган вакиллик органи:** парламент.

**Сайлов тизими.** 52 нафар парламент аъзоси тўрт йиллик муддатга ягона ўтказиб бўлмайдиган овоз бериш тизими асосида сайланади. Сайлов 18 та округда ўтказилади, шулардан ўнтаси кўп мандатли округлар бўлиб, ўринлар сони иккитадан еттитагача, қолган саккизтаси эса бир мандатли сайлов округларида эса овоз беришда нисбий кўпчилик мажоритар тизими асосида амалга оширилади.



### 54. Микронезия федератив штатлари

**Сайлов муддати:** 4 март.

**Сайлов ўтказиладиган вакиллик органи:** парламент.

**Сайлов тизими.** Конгресс, яъни қонун чиқарувчи орган, 14 нафар аъзодан иборат. Ундан ўнтаси ҳар икки йилда мажоритар тизим бўйича мамлакатнинг ўнта бир мандатли сайлов округидан сайланади. Қолган тўртта аъзо “сенаторлар” деб аталади ва федерациянинг тўрт штати — Яп, Чуук, Понпей ва Косраени тақдим этади. Сенаторлар ҳар тўрт йилда сайланади.

2025 йилги бюллетенга бу тўртта федерал вакил киритилмайди, чунки улар 2023 йилда сайланган эди. Янги Конгресс тўртта федерал сенатор орасидан Республика Президентини сайлайди.

Мамлакатда сиёсий партиялар мавжуд эмас, шунинг учун барча номзодлар ҳеч қандай партия белгисиз сайловда иштирок этадилар.



## 55. Австралия

**Сайлов муддати:** 17 майгача (*расман эълон қилинмаган*).

**Сайлов ўтказиладиган вакиллик органи:** парламент.

**Сайлов тизими.** Вакиллар палатаси аъзолари тўлиқ преференциал овоз бериш йўли билан сайланади. Ҳар бир сайлов округи битта аъзони сайлайди.

Сенаторлар ягона ўтказиладиган овоз ва пропорционал вакиллик тизими асосида сайланади. Штатларда сенаторлар ўн икки мандатли округларда сайланади (аммо аксарият ҳолларда бир сайловда фақат олти ўрин учун овоз берилади), ҳудудларда эса икки мандатли округларда сайланади.

Овозлар камида икки марта ҳисобланади: сайлов участкаларида ва сайловдан кейинги душанба кечасидан бошлаб овозларни санаш марказларида.



## 56. Науру

**Сайлов муддати:** сентябрь (*расман эълон қилинмаган*).


**Сайлов ўтказиладиган вакиллик органи:** парламент.

**Сайлов тизими.** Парламентнинг 19 нафар аъзоси саккизта кўп мандатли округдан Борда тизими орқали сайланади. Бу рейтингли овоз бериш тизими бўлиб, сайловчилар номзодларни рейтингга қўйишади. Овозлар бирликни рейтинг рақамига бўлиш орқали ҳисобланади (масалан, иккинчи ўриндаги номзод 1/2 сифатида баҳоланади). Энг юқори умумий балл тўплаган номзодлар сайланади.

Мамлакатда сиёсий партиялар мавжуд эмас, шунинг учун барча номзодлар мустақил равишда сайловда иштирок этадилар. Парламентда норасмий гуруҳлар шаклланиши мумкин, аммо уларнинг таркиби барқарор эмас.

Парламент уч йиллик муддатга сайланади, аммо муддатидан олдин тарқатилиши мумкин.

20 ёш ва ундан катта бўлган барча фуқаролар овоз бериш ҳуқуқига эга. Сайлов ёшига тўлган шахслар автоматик равишда сайловчилар рўйхатига қўшилади. Науруда овоз бериш мажбурийдир. Етарли асосларсиз овоз бермаган шахслар жарима тўлаши керак. Сайлов куни касаллик сабабли ёки мамлакатда бўлмаган фуқаролар овоз беришдан озод қилинади. Наурудан ташқарида бўлган сайловчиларга ваколатли овоз бериш имконияти мавжуд бўлиб, бунда улар Науруда ўз номидан овоз бериш учун бошқа шахсга ваколат беришади. Сайлов комиссияси касалхонада ётган ёки участкага бориш имкониятига эга бўлмаган сайловчилар учун мобиль овоз бериш хизмати кўрсатади, бунда комиссия ходимлари ушбу шахсларга бориб, уларнинг овоз беришини таъминлайдилар.



## 57. Тонга

**Сайлов муддати:** 30 ноябрғача (*расман эълон қилинмаган*).

**Сайлов ўтказиладиган вакиллик органи:** парламент.

**Сайлов тизими.**

Тонга Қонунчилик Мажлиси 30 нафарғача аъзодан иборат бўлиб, шулардан 17 нафари бир мандатли округларда нисбий кўпчилик мажоритар тизими асосида тўғридан-тўғри сайланади.

Тонгатапу оролида ўнта сайлов округи, Вавау оролида учта, Хаапай оролида иккита, Эуа ва Ниуатопутапу/Ниуафоу оролларида биттадан округ мавжуд.

Тўққизта ўрин аслзода вакилларига ажратилган бўлиб, улар ўз орасидан вакиллар сайлайди.

Бош вазир томонидан тузилган Вазирлар Маҳкамасига Қонунчилик Мажлисига сайланмаган тўрттагача аъзо киритилиши мумкин ва улар автоматик равишда қонунчилик органи аъзоси бўлиб қоладилар.





